

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 26.04.2018.IsI/Tar.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ ЗИЁВУДДИН МУҲИТДИНОВИЧ**

**АЛ-МОВАРДИЙНИНГ  
“АЛ-АҲКОМ АС-СУЛТОНИЙЯ” АСАРИ – МУСУЛМОН  
ШАРҚИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ МАНБА  
(XI АСР)**

**Ихтисослик 24. 00. 01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата  
доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences**

**Жўраев Зиёвуддин Мухитдинович**

Ал-Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя” асари – мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба (XI аср) ..... 3

**Juraev Ziyovuddin Muhitdinovich**

The work “Al-Ahkâm al-sultâniyya” of al-Mâvardiy – an important source on the history of state governing of the muslim East (XI century).....23

**Жураев Зиёвуддин Мухитдинович**

Сочинение аль-Маварди “ал-Ахкаам ас-султаанийя” – важный источник по истории государственного управления мусульманского Востока (XI в.)..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 44

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 26.04.2018.IsI/Tar.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ ЗИЁВУДДИН МУҲИТДИНОВИЧ**

**АЛ-МОВАРДИЙНИНГ  
“АЛ-АҲКОМ АС-СУЛТОНИЙЯ” АСАРИ – МУСУЛМОН  
ШАРҚИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ МАНБА  
(XI АСР)**

**Ихтисослик 24. 00. 01 – Ислон тарихи ва манбашунослиги**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1PhD/Таг70 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.iiiau.uz](http://www.iiiau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Мунавваров Зоҳидилло Иномходжаевич**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Илмий маслаҳатчи:** **Тошқулов Жўрабой Ўринбоевич**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Саидов Акмал Холматович**  
академик, юримдик фанлар доктори, профессор

**Лутфуллаев Ҳамидулло Муродуллаевич**  
тарих фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**  
**ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро**  
**илмий-тадқиқот маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 26.04.2018.Isl/Таг.57.01. рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси 11-уй. Тел.: (+99871) 2440056, факс: (99871) 2440065, e-mail: [info@iiiau.uz](mailto:info@iiiau.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси 11-уй. Тел.: (+99871) 244 00 56, факс: (99871) 244 00 65, e-mail: [info@iiiau.uz](mailto:info@iiiau.uz)).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.А.Ёвқочев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**Д.А.Раҳимджанов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

**С.С.Агзамходжаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг турли ўлкаларида яратилган ёзма манбаларда шарқона давлат бошқаруви ҳақидаги қимматли тажриба ўз аксини топган. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда назариясига оид *الأحكام السلطانية و الولايات الدينية: تأليف أبي الحسن علي بن محمد بن حبيب الماوردي*. Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Мовардий ал-Басрий ал-Бағдодий аш-Шофеъий (973-1058 йй., кейинги ўринларда – Абулҳасан Мовардий) нинг “ал-Аҳком ас-султониййа ва-л-валоёт ад-диниййа” (“Султонлик ҳукмлари ва диний бошқарув [қоидалари]”, кейинги ўринларда – “ал-Аҳком ас-султониййа”) асари ана шундай муҳим манбалар қаторига киради. Асарни ислом тарихи ва манбашунослиги нуқтаи назаридан ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Унда Мовардий яшаган давргача ақида ва калом илми (ислом ҳуқуқи, усул ал-фикҳ) таркибида ривожланиб келган мусулмон давлати бошқарув ҳуқуқи (фуруъ ал-фикҳ) ҳақидаги амалиёт назариясига оид тушунчалар ажратиб олиниб, сиёсий фикҳ мактабига асос солинган. Асарда баён этилган X–XI асрлардаги мусулмон давлати бошқарув тизими, ундаги мансаблар иерархияси, ер-сув масалаларини тартибга солиш, ўрмон ва тоғ-кон хўжалиқларини ташкил этиш, турли даражадаги мансабдорларнинг сиёсий-ҳуқуқий мақомига оид қимматли маълумотлар ўз аҳамиятини йўқотмагани туфайли ушбу манбани ўрганиш ҳанузгача давом этмоқда. Салжуқий ва ғазнавий сулолалар билан бир қаторда, асардан Темурий ва Бобурий ҳукмдорлар, Бухоро, Қўқон ва Хива хонлари ҳам фойдалангани ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш учун унинг чуқурлаштирилган тадқиқотини амалга оширишни долзарб вазифага айлантиради.

Мусулмон Шарқи, жумладан, ўзбек давлатчилиги тарихини бирламчи манбалар асосида ўрганиш бўйича қимматли изланишлар амалга оширилган. “Ал-Аҳком ас-султониййа”дан ташқари, уларнинг энг муҳимлари қаторига Низомулмулкнинг “Сиёсатнома ёхуд сийар ал-мулук”, Амир Темурнинг “Темур тузуклар”и, Самандар Термизийнинг “Дастур ал-мулук”и, Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг “Сулук ал-мулук”и каби асл манбаларга бағишланган тадқиқотларини киритиш мумкин. Уларда Мовардий томонидан шакллантирилган сиёсий фикҳ йўналиши тараққиётининг кейинги босқичлари билан боғлиқ муҳим ҳулоса ва мулоҳазалар баён этилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. “...Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиши керак”<sup>1</sup> эканлиги талаб этилмоқда.

Шунга биноан ватан тарихини ўрганишда асл манбаларга таяниш замонавий тадқиқотларнинг асосини ташкил қилмоқда. X–XI асрлар илм-фанига салмоқли ҳисса қўшган мутафаккир ва давлат арбоби, “Байт ал-ҳикма”нинг раиси бўлган мутакаллим ва фақиҳ Абулҳасан Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султониййа” асари Аббосий ҳукмдорлар Қодир Биллоҳ ва Қоим Биамриллоҳлар талабига кўра,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. 2016 йил 19 октябрь.

салтанат тузиш қонун-қоидаларини аниқ бир тартибга келтириш мақсадида ёзилган<sup>2</sup>. Унинг манбашунослик тадқиқотини амалга ошириш, мамлакатимиз ва чет эл кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмалари, тарихий ва замонавий нашрлари, Ғарб ва Шарқ тилларига қилинган таржималари ҳамда унга бағишланган жиддий тадқиқотларни илмий муомалага киритиш манбашуносликнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 24 майдаги 2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари аждодлардан қолган интеллектуал меросни ўрганишга қаратилган давлат сиёсати даражасидаги юксак эътиборнинг инъикоси бўлиб, диссертацион тадқиқот уларда қўйилган вазифалар ижросига муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мовардийнинг илмий мероси, жумладан, “ал-Аҳком ас-султониййа” асарини ўрганиш узок даврни қамраб олади. Олимнинг ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси, сиёсий-ҳуқуқий қарашларига оид ёзма манбаларни ўрганиш у яшаган вақтдан бошланган. Улар ўрта асрлардан то ҳозиргача мусулмон Шарқи ва Ғарб мамлакатлари ўқув муассасалари ҳамда илмий марказларида назарий манба сифатида ўрганиб келинмоқда. Абу Яъло, Низомулмулк, Абу Бакр Шоший, Бурхонуддин Марғиноний, Абу Бакр бин Аҳмад каби фақиҳлар шариатга оид асарлар яратиш, давлатчилик ҳақидаги таълимотларни ривожлантиришда Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султониййа” асари муҳим манба вазифасини ўтагани тўғрисида ижобий фикрлар билдиришган. Мовардийнинг “Адаб ад-дунё ва-д-дин” асари матнини нашр этган олим Мустафо ас-Саққо унга юксак баҳо берган. Унинг “Адаб ал-қози” асарини нашрга тайёрлаган Муҳий Ҳилол хулосаси, Ҳ.Гиббнинг Мовардий Шарқ давлат бошқаруви назарияси ҳақидаги қайдлари, “ал-Аҳком ас-султониййа” ношири, қувайтлик тадқиқотчи Аҳмад Муборак Бағдодийнинг қиёсий таҳлиллари мавзуга оид айрим қирраларга ойдинлик киритади.

“Ал-Аҳком ас-султониййа”нинг аҳамияти Мовароуннаҳр, Хуросон, Шимолий Африка каби минтақалар олимлари, жумладан, Абу Осим (ваф. 1068), Абу Исҳоқ ал-Шерозий (ваф. 1086), Ибн Салоҳ ал-Шаҳризурий (ваф. 1253), Бадриддин ибн Жамоа (ваф. 1343 й.), Ибн Халдун (ваф. 1406 й.) кабилар

<sup>2</sup> الأحكام السلطانية و الولايات الدينية: تأليف أبي الحسن علي بن محمد بن حبيب الماوردي. مовардий. Ал-Аҳком ас-султониййа. ЎзРФА ШИ қўлёзмалар фонди, Р. № 7228/1. – варак. 1; الأحكام السلطانية و الولايات الدينية: تأليف أبي الحسن علي بن محمد بن حبيب الماوردي. Мовардий. Ал-Аҳком ас-султониййа. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қўлёзмалар фонди, ПВ. № 63. – варак. 1.

томонидан эътироф этилгани табақот, тарихий, ҳуқуқий, сиёсий ва адабий асарларда ўз аксини топган. Улардаги маълумотлар асосида Мовардийнинг сиёсий фикр фани тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳамда “ал-Аҳком ас-султонийя” асарида баён этилган давлатчилик таълимотининг илмий-амалий аҳамияти янада кенг очиб берилган.

Мовардий илмий меросини ташкил этувчи асарларнинг айримлари Ливан, Миср, Ироқ, Кувайт, Шотландия, Туркия ва Ўзбекистонда нашр этилган. Улар: “Тасҳил ан-назар ва таъжил аз-зафар [фи ахлоқ ал-малик ва сиёсат ал-мулук]”, “Аълам ан-нубувва”, “Адаб-ул-қози”, “Насихат ал-мулук”, “Ан-нукат ва-л-‘уйун: тафсир ал-Мовардий”, “Ал-икнаъ”, “Ал-визара”, “Адаб ал-визара”, “Қаванин ал-визара”, “Қаванин ал-визара ва сиёсат ал-мулук”, “Амсал ал-Қуръон”, “Ал-Ҳовий [фи фуруъ ал-фикр]”, “Амсал ал-хикам”, “Китоб фи-н-наҳви”, “Адаб ад-дунё ва ад-дин” кабилардир. Шунингдек, “ал-Аҳком ас-султонийя” асарининг арабча, туркча, французча, инглизча, немисча, урдуча, форсча нашрлари амалга оширилган. Уларга Мисрдаги Мустафо ал-Бобий ал-Ҳалабий кутубхонаси нашриёти томонидан 1966 йилгача ва кейинги йилларда амалга оширилган нашрлар<sup>3</sup>, Аҳмад Муборак ал-Бағдодийнинг тадқиқоти асосидаги “Дор Ибн Қутайба” кутубхонасининг 1989 йилдаги Кувайт нашри<sup>4</sup>, “Дор ал-кутуб ал-илмийя” кутубхонасининг Байрут нашрига<sup>5</sup> асосланган Али Шафакнинг туркча таржимасини (1994 й.)<sup>6</sup>, Вафо Ҳ. Ваҳабанинг инглизча таржимасини (1996 й., Байрут)<sup>7</sup>, Ҳиндистон ва Покистонда чиққан Мавлавий Саййид Муҳаммад Иброҳимнинг урдуча таржимасини (2002 й. Гужарат, Лоҳур)<sup>8</sup>, Бағдод қозиси Қавомиддин Юсуф бин ал-Ҳасан ал-Ҳусайний аш-Шофеъийнинг форсча (1750 й., асарнинг дастлабки 10 боби) таржимасини, шунингдек, олмон тилидаги нашрларни киритиш мумкин<sup>9</sup>.

Булардан ташқари, Ғарб мамлакатларида “ал-Аҳком ас-султонийя”нинг француз, голланд ва инглиз тилларига қилинган таржималари нашр этилган. Kont Leon Ostrorogin томонидан “ал-Аҳком ас-султонийя”нинг илк 5 боби, кейин унинг тўлиқ французча таржимаси 1900-1906 йй. Парижда<sup>10</sup>, Асатуллоҳ Ятенинг

<sup>3</sup> Al-Mawardi Abu 'l-Hasan. Al-Ahkam as-sultaniyya wa-'l-wilayat ad-diniyya. – Misr: Sharika maktaba wa matba'at Mustafa al-Babiy al-Halabiy, 1966.

<sup>4</sup> الأحكام السلطانية و الولايات الدينية تأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي. (ت. 450 هـ) تحقيقه لدكتور أحمد مبارك البغدادي. جامعة الكويت. قسم الأحكام السلطانية و الولايات الدينية. الناشر السياسية. الناشر مكتبة مواردي. أ.ح.م. 390. – كувايط، 1989. – ب. 390.

<sup>5</sup> الأحكام السلطانية و الولايات الدينية. تأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي. (ت. 450 هـ) الناشر مكتبة الدار الكتب العلمية بيروت-لبنان. 1992، م-327 ص.

<sup>6</sup> Ebu'l-Hasan Habib el-Ma'verدي. El-Ahka'mu's-Sultaniye/Ceviren:Ali Shafak. – Istanbul: Bedir Yayinevi, 1994. – S.504.

<sup>7</sup> Abu'l-Hasan al-Mawardi. Al-ahkam as-sultaniyyah. Introduction to «The Ordinances of Government», trans., Wafaa H. Wahaba (Lebanon: Garnet Publishing, 1996), xv.

<sup>8</sup> www.KitobSunnat.com. (ت. 450 هـ) الأحكام السلطانية و الولايات الدينية تأليف أبي الحسن علي بن حبيب الماوردي. 416 b.

<sup>9</sup> Ahkam-e Sultani Offentliches Rect im Islam von Mawardi//Prof. Mohammad Taghi Daeshpajouh, Persische Übersetzung von Hosseini-e Shafe'ii im 10. Jahrhundert (Hedschra) Manuskript bearbeitet und her ausgegeben von M.T.Daneshpajuh-Tschangiz Pahlavan. Blatter fur Kultur und Gesellschaft (3). Munster.– 2002. April. – 150 p. مواردي الاحكام السلطاني مواردي (علي بن محمد بن حبيب)/ترجمه: قوام الدين يوسف بن حسين حسني حسيني شافعي.– مونستر : ألمان. 1381/2002 فروردين.

<sup>10</sup> Kont Leon Ostrorogin. El-Ahkam Es-Sultaniya, Traite' de Droit Public Musulman.– Paris, 1901; Ostrorogin L. Les constitutions politiques, trac. et commente'es d'apres Les sources orientales. – Paris, 1900-1906.

инглизча таржимаси 1996 й. Лондонда<sup>11</sup>; Landesbibliothek, Gotha (Arab.ms.N1872) голландча/фламандча таржимаси Голландия<sup>12</sup> нашрлари шулар жумласидан.

Мовардий илмий меросини Ўзбекистонда ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг энг салмоқлиси олим қаламига мансуб “Дунё ва дин одоби” асарининг ўзбек тилига қилинган таржимасидир<sup>13</sup>. Шунингдек, академик А.Х.Саидов ва проф. А.Ш.Жузжонийнинг “Шарқ ва инсон ҳуқуқлари” асарида ҳам Мовардий мероси ҳақида сўз юритилганини зикр этиш зарур<sup>14</sup>.

Мовардий илмий меросини ўрганиш оламшумул кўлам касб этганига қарамай, “ал-Аҳком ас-султонийя”нинг қўлёзмалари, нашрлари, таржималарининг қиёсий таҳлилига бағишланган ўзбек тилидаги танқидий матншунослик ва манбашунослик тадқиқоти ҳамда унинг мукамал таржимаси ҳали амалга оширилмаган. Шунингдек, Мовардий асаридаги давлатчиликка оид маълумотларнинг ундан кейинги мутафаккирлар ижодига таъсири даражаси ҳам тадқиқ этилмаган.

Бундан ташқари, “ал-Аҳком ас-султонийя” асарининг Алишер Навоий номидаги ЎЗМК қўлёзмалар, нодир китоблар ва нашрлар фондидаги (Пв. № 63) ва ЎЗР ФА ШИда сақланаётган (Р. № 7228/1) рақамли иккита қўлёзмаси тадқиқотларга жалб этилмаган. Ваҳоланки, “Ал-Аҳком ас-султонийя”нинг Ўзбекистондаги қўлёзмалари унинг Кувайтдаги учта рақамсиз (Ирландиядаги Честер Битти кутубхонаси микрофильмлари № 4903, № 5085), Санкт-Петербургдаги (№ 6737), Туркиядаги (№ 377; № 378; № 379) қўлёзмаларидан мукамалдир. Мовардий илмий мероси кенг миқёсда ўрганилаётган бўлса-да, асарнинг Тошкент, Санкт-Петербург ва Туркия қўлёзмаларига асосланган манбашунослик, тарихшунослик, исломшунослик тадқиқоти ҳанузгача амалга оширилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ “Ўзбекистонда тарихшунослик ва манбашунослик муаммолари” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийя ва-л-валоёт ад-динийя” асарининг ислом тарихи ва манбашунослигида тутган ўрнини асл манбалар асосида очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- Мовардийнинг “Ал-Аҳком ас-султонийя” асаридаги мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тизими ва мансаблар иерархиясини ўрганиш;
- Мовардий яшаган даврдаги ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий вазият хусусиятларини аниқлаш, аллома ҳаёти ва илмий фаолиятига доир илмий тадқиқотларнинг умумлаштирилган хулосавий мажмуини яратиш;

<sup>11</sup> Abu'l-Hasan al-Mawardi. Al-ahkam as-sultaniyyah. The Laws of Islamic Governance/Translated by Asadullah Yate PhD. Kalamullah.Com. Ta-Ha Publishers Ltd. London, 1994. – 381 p.

<sup>12</sup> Голландия: Landesbibliothek, Gotha. Arab.ms. № 1872

<sup>13</sup> Абулҳасан Мовардий. Дунё ва дин одоби. Таржимон ва сўзбоши муаллифи Абдуллоҳ Исмоил Махдум. – Тошкент: Hilol-nashr, 2017. – Б. 454.

<sup>14</sup> Қаранг: Саидов А.Х., Жузжоний А.Ш. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 1998. – Б. 50-60.

– “Ал-Аҳком ас-султониййа”нинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондларидаги қўлёзмаларини ислом тарихи ва манбашунослиги нуқтаи назаридан тадқиқ этиш;

– асарда баён этилган X–XI асрларгача яратилган давлатчиликка оид манбалар ва мусулмон Шарқи давлат бошқарувида оид таълимотларнинг кейинги давр асарларига таъсирини таҳлил этиш;

– замонавий давлат бошқаруви усул ва методларини ишлаб чиқиш, такомиллаштиришда асқотадиган жиҳатларни аниқлаш.

**Тадқиқот объектини** Абулҳасан Мовардийнинг илмий-ижодий фаолияти ва унинг “ал-Аҳком ас-султониййа” асарида баён этилган мусулмон Шарқи давлат бошқаруви ҳақидаги қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Абулҳасан Мовардийнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган “ал-Аҳком ас-султониййа” асари қўлёзмалари, шунингдек, унинг чет эл кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмалари ва нашрлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда манбашунослик ва тарихшунослик соҳаларига оид палеографик, архившунослик, исломшунослик, тарихийлик, мантиқийлик, холислик, цивилизациявий ёндашув, контент анализ, герменевтик, кодикологик, қиёсий ва тизимли таҳлил ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

Мовардийнинг “Аҳл ас-сунна ва-л-жамоа” мазҳаблари пешвоси ҳамда “Байт ал-ҳикма” раиси сифатидаги фаолияти Хуросон, Мовароуннаҳр, Миср каби ўлкаларга ижобий таъсир кўрсатгани, жумладан, унинг саъй-ҳаракатлари билан зикр этилган ўлкаларда “Байт ал-ҳикма”нинг бўлимларига асос солингани улардаги илм-фан тараққиётига қўшимча туртки бергани исботланган;

олимнинг илмий меросида аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлардан иборат мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистонда динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги яратувчан уйғунликни таъминлаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий мазмундаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган ечимлар мавжудлиги исботланган;

“ал-Аҳком ас-султониййа” асарида баён этилган давлат бошқарувида оид таълимотнинг моҳиятини халифалиқдан, яъни соф шаръий бошқарувдан дунёвий мазмундаги султонлик бошқарувида ўтиш афзаллиги очиқ берилган;

“ал-Аҳком ас-султониййа” асарида радикал кучларнинг исломда гўёки дин ва давлатнинг ажралмас экани ҳақидаги бугунги иддаоларига қарши ғоявий курашда фойдаланиш, уларга амалий раддиялар бериш имкониятлари ёритиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

– Мовардийнинг илмий меросига тегишли 18 та асардан 17 таси мавжудлиги, 1 таси топилмагани, улардан 10 таси нашр этилгани аниқланган;

– “ал-Аҳком ас-султониййа” асарининг қўлёзма нусхалари, нашр ва таржималари туркумлаштирилган;

– мазкур асарнинг аббосий халифа Қодир Биллоҳ томонидан алоҳида эътироф этилгани, унинг давлат томонидан легитимлаштирилгани ва амалиётга жорий қилингани, мусулмон дунёси, жумладан, Хуросон, Афғонистон ва Туркистон ўлкаларидаги давлатлар учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қилгани очиб берилган;

– асарнинг форс, француз, голланд, немис, инглиз, турк ва урду тилларига қилинган таржималарига оид маълумотлар илмий-танқидий умумлаштирилган;

– асарнинг адолатли давлатни ташкил этиш, ижтимоий муаммоларни ислоҳ қилиш, барқарор бошқарувни шакллантиришни кўзлаган янгича услубдаги мусулмон сиёсий ҳуқуқи руҳида яратилгани аниқланган;

– асарнинг ханафийлик ва шофеийлик мазҳаблари учун умумий бўлган диний-шаръий, дунёвий-ҳуқуқий, жумладан, Куръон, ҳадис, ижмоъ, қиёс, рай, урф-одат каби манбалари аниқлаштирилган;

– Мовардийнинг шаръий давлат бошқаруви ҳақидаги таълимоти ўзбек давлатчилигига оид тарихий манбаларда маълум даражада акс этгани, жумладан, Амир Темур “Темур тузуклар”идаги айрим ўринлар Мовардий асарида баён этилган бошқарув таълимотига ҳамоҳанглиги, унинг Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳоннинг “Сулук ал-мулук”, Муҳаммад Кубравийнинг “Фатовои Шайбоний”, Муҳаммад Шариф ал-Бухорийнинг “Фавоиди хоқонийа” каби асарларида ўз ифодасини топгани очиб берилган;

– “ал-Аҳком ас-султонийа” асарининг “мусулмон давлати бошқаруви тарихининг бошқа ёзма манбаларида акс этмаган X–XI асрларга хос маъмурий бошқарув, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар, ер-сув масалалари, ўрмон, тоғ-кон хўжаликлари, тарихий шахслар сиёсий фаолиятига аниқлик киритиш, давлат бошқарувидаги мансабдорларнинг сиёсий-ҳуқуқий мақомига оид қимматли маълумотларга бой экани, ўрганилаётган давр бўйича янги тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** бирламчи қўлёзма манбалар, жумладан, Мовардийнинг илмий мероси, хусусан, “ал-Аҳком ас-султонийа” асарининг Мисрдаги – 1 та, Ўзбекистондаги – 2 та, Кувайтдаги – 5 та, Туркиядаги – 3 та, Санкт-Петербургдаги – 1 та ва Ирландиядаги – 1 та қўлёзмасидан бевосита фойдаланилгани, ёзма манбаларга асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан мустаҳкамланган. Улар мавзуга оид араб, турк, форс, урду, француз ва инглиз – олти тилдаги замонавий нашр ва материалларни қиёсий ўрганишга таянган. Аллома илмий меросининг Шарқ давлатчилиги тарихида тутган муҳим ўрни ишончли тарихий асарлар ва асосли далиллар билан исботлаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Ал-Аҳком ас-султонийа” асарининг Ўзбекистонда илк марта тадқиқ этилгани, унинг асосида мусулмон Шарқи тарихининг зиддиятли, айни пайтда мумтоз даврларидан бири бўлган X–XI асрлардаги давлат бошқаруви тарихи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қимматли маълумотлар танқидий умумлаштирилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда бошқарув тизимига оид амалдаги ўқув адабиётлари, жумладан, халқаро ва конституциявий ҳуқук

фанларининг тегишли қисмларини тўлдиришга хизмат қиладиган, шунингдек, миллий давлатчиликка доир илмий тадқиқотларни бойитадиган янги маълумотлар ўз аксини топганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Ал-Аҳком ас-султониййа” асаридаги XI асрга оид мусулмон Шарқи давлат бошқаруви ҳақидаги маълумотларни тадқиқ этиш юзасидан олинган хулоса ва таклифлар асосида:

– асарнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси “Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати фонди”да сақланаётган қўлёзмасини ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси дастури” (UNESCO “Memory of the World manuscripts”) га киритиш тавсия этилган, ундан кутубхонанинг “Шарқ давлатларида илм-фан ва санъат ривож тарихи” ҳамда “Ўзбекистоннинг маънавий бойлиги” каби мавзуларга бағишланган музей экспозицияларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2019 йил 17 июлдаги 11-2475-сон маълумотнома). Қўлёзманинг тўлиқ матни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси порталига жойлаштирилган (ЎЗМК, 2017 йил 14 февралдаги 03-22/153-сон маълумотнома). Илмий натижалар тадқиқотчиларга асарнинг бугунгача етиб келган қўлёзмалари ҳақидаги умумлаштирилган маълумотлар ҳамда унинг асл матнидан бевосита фойдаланиш учун имконият яратган;

– Ўзбекистон Миллий университетида ўқитилаётган “Замонавий давлат иш юритиш назарияси ва амалиёти, бошқарувни меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш”, “Давлат тилида иш юритиш”, “Жаҳон архивлари тарихи ва хорижий мамлакатларда архив иши”, “Музейшунослик ва архившунослик” ҳамда “Манбашунослик ва тарихшунослик” фанларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 09 январдаги 89-03-96-сон маълумотнома). “Замонавий давлат иш юритиш назарияси ва амалиёти, бошқарувни меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш” ўқув қўлланмасининг 1, 12 ва 13-мавзуларида диссертациядаги бошқарувнинг меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, иш юритиш назарияси ва амалиётига оид қисмлар ўз аксини топган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 2010 йил 21 октябрдаги 396-сон гувоҳнома). Қўлланилган натижалар ёшларнинг ўрта аср мусулмон Шарқи давлатчилиги тарихига оид билимларини ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилган;

– “Ал-Аҳком ас-султониййа”да баён этилган мусулмон Шарқи давлатчилиги ва Ислом ҳуқуқи бўйича маълумотлардан чиқарилган хулосалар “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” замиридаги давлат органларининг халққа хизмат қилиши, яъни уни том маънодаги халқ давлатига айлантириш ҳақидаги ғояларни мусулмон Шарқи давлатчилиги тажрибаси таҳлилидан чиқарилган илмий асосланган хулосалар билан қўллаб-қувватлашга қаратилган (Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2017 йил 06 июлдаги 01/506-сон маълумотнома). Мазкур илмий натижалар миллий давлатчилик асосларини ривожлантириш билан боғлиқ назарий ва амалий изланишлар жараёнида бирламчи манбаларга бўлган эътиборни кучайтирган;

– диссертацияда баён этилган Ўзбекистоннинг жаҳон тарихидаги ўзига хос ўрни ҳамда ислом цивилизацияси контекстидаги юксак мақоми ҳақидаги илмий хулосалар ва амалий таклифлардан уюшмаган ёшларни ватанпарвар, меҳнатсевар ва юксак маънавиятли фуқаролар қилиб тарбиялашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, 2018 йил 22 ноябрдаги 04-13/6075-сон маълумотнома). Натижада ёш авлоднинг тарихимиз илмий-манбавий асослари ҳақидаги билимлари кенгайган ҳамда янги маълумотлар билан бойиган;

– Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Mahalla” телерадиоканалининг “Теран илдизлар” кўрсатуви сценарийсини яратишда диссертацияда баён этилган мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид хулоса ва амалий таклифлардан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, 2018 йил 6 декабрдаги 01-18-1223-сон маълумотнома). Натижада кўрсатув мавзуси илмий асосланган ва миллий давлатчилик тарихи илдизларининг қадимийлиги ҳақидаги билимлар амалий мисоллар билан мустаҳкамланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 10 та – 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 мақола (уларнинг 15 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда), қолган 10 та мақола, уларнинг 5 таси халқаро, 5 таси республика миқёсида ўтказилган конференциялар материалларида нашр этилган.

**Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг асосий матни 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги ёритилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, манбалари, усуллари, илмий янгилиги, илмий-амалий аҳамияти, амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, апробацияси, жорий қилиниши, таркибий тузилиши ва мавзу юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилган.

**“Мовардийнинг ҳаёти, фольяти ва илмий мероси” деб номланган биринчи боб** Мовардий яшаган даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда илмий меросининг ўрганилишига бағишланган. Унда X–XI асрлардаги ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий ва маданий ҳаёт ёритилган. Бағдод халифалиги ҳудудида содир бўлган қалтис ижтимоий-сиёсий жараёнлар

туфайли<sup>15</sup> Аббосийлар марказий ҳокимияти заифлашгани боис, расмий жиҳатдан халифа лавозимидан кейинги, аммо ҳал қилувчи мансаб ҳисобланган амир ал-умароликни араблар билан бир қаторда, барбарий, форс ва туркий халқлар вакиллари эгаллай бошлаган. Хуросонлик Бувайҳийлар амир ал-умаролик қилган 932–1055 йиллар Бағдод халифалигининг энг заифлашган даври ҳисобланади. Халифаликнинг таназзули ва пойтахтда юзага келган мураккаб вазиятдан фойдаланган минтақалар ноиб амирлари бирин-кетин ўз мустақиллигини эълон қила бошлаган.

Аббосийлар халифалигини шиалар босимидан қутқариш учун Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган, “Аҳли сунна ва-л-жамоа” суннийлик мазҳабига эътиқод қилувчи, ислом ва инсоният тарихида илк бора султон мақомига Мовардий воситасида эришган, халифа томонидан султон унвони берилган, “Аҳком ас-султонийя...” асари билан қўллаб-қувватланган туркий султонлар: Ғазнавийлар (977/998-1030–1186 йй.) ва Салжуқийлар (1028/1055–1258 йй.) аббосийлар пойтахти Бағдодда амир ал-умаролик қилган йиллар араб-мусулмон халифалигининг энг ривожланган даврига тўғри келади. Бу сиёсий жараён Мовардий яшаган йилларга (973–1058 йй.) тўғри келиб, унинг давомида аббосий халифалар Мутиъ (946–974 йй.), Тойиъ (974 – 991 йй.), Қодир Биллоҳ (991–1031 йй.), Қоим Биамриллоҳлар (1031–1075 йй.) расман ҳукмронлик қилганлар. Мовардий аббосий халифаларнинг ожизлиги ва эътибордан қолганига шохид бўлган. Уларнинг баъзан туркий қабилалар амир ал-умаролари, баъзан дайламий шиа шоҳлари қўлида итоаткор қўғирчоқ, охири ғазнавий ва салжуқий сунний турк султонларидан ёрдам сўраб, ноилоҳ қолганларига, бўйсунганларига гувоҳ бўлган. Аббосий халифалар куч билан ҳокимият тепасига келган ҳарбий амир ал-умароларнинг қонунийлигини тан олишга мажбур эдилар. Бу пайтга келиб, халифалик амалда учга бўлиниб кетган: Шимолий Нил бўйидаги Фотимий, Шимолий Африка ва Андалусиядаги Умавий, Ироқдаги Аббосийлар халифалиги. Бундай воқелик ўша давр мусулмон оламидаги сиёсий инқироз нақадар чуқурлашганидан далолат беради. Қодир Биллоҳ ва Қоим Биамриллоҳлар ҳукмронлиги даврида давлат миқёсида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий йўналишлардаги жиддий ислоҳотлар фавқулодда зиддиятли шароитларда амалга оширилган. Бу даврда давлат бошқарувида оид сиёсий ҳуқуқнинг тағзаминини ташкил этган Исломдаги икки асосий оқим – суннийлик ва шиалик, улар мазҳабларига асосланган муросасиз сиёсий ҳамда диний-мафкуравий зиддиятлар билан суғорилган давлат бошқарувида оид таълимотлар илгари сурилаётган эди. Мовардийнинг “Ал-Аҳком ас-султонийя” асари Бағдод, Ҳижоз, Шимолий Африка, Андалусия, Дамашқ, Хуросон ва Мовароуннаҳр каби минтақаларда шаклланган шаръий давлат бошқаруви илғор тажрибасини умумлаштириш мақсадида яратилган эди. Тарқоқ минтақаларни марказлашган қудратли давлатга бирлаштириш ғояси ушбу таълимот асосини ташкил этади.

**Биринчи бобнинг иккинчи бўлими** Мовардийнинг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этишга бағишланган. Унда X–XI асрларда яшаган сиёсатчи ва ҳуқуқшунос

<sup>15</sup> Қаранг: Бартольд В.В. Соч., т. VI. Ислам; Догматика; Мусулманские учение. – Москва: “Наука”, 1963; Дж. Мукаддаси. Суннитское возрождение. Перевод с англ. В.В.Наумкина // Мусулманский мир. 950-1150. – Москва, 1981.

олим Абулхасан Али ибн Муҳаммад бин Ҳабиб Мовардийнинг (973–1058 йй.) ҳаёти ва фаолияти бирламчи манбалар асосида ёритилган. Мовардийнинг Басрада зиёли оилада таваллуд топгани, ундаги атиргул савдоси билан шуғулланувчилар истиқомат қилган “Дарб ал-заъфарон” – атиргул сувини тайёрловчи атторлар маҳалласида яшагани шогирди Хатиб Бағдодийнинг “Тарихи Бағдод” асари асосида қайд этилган. Бундан ташқари, Басранинг хунармандлар маҳалласида туркий қавмлар яшайдиган аҳоли мавзеси бўлгани сайёҳлар асарлари ва тадқиқотларда ҳам зикр этилган. Демак, Мовардийнинг ҳаёти ва фаолияти туркий ва эроний қавмлар таъсиридан холи бўлмаган<sup>16</sup>.

Мовардий, дастлаб, фикҳ илмини ўз отасидан ўрганган ва етуклик даврига келиб, “Байт ал-ҳикма”нинг фикҳ ва ҳадис илмлари бўйича машҳур олимлардан сабоқ олган. Жумладан, Хуросон ва Мовароуннахрнинг машҳур олимлари: Абулхусайн ал-Қудурий ал-Ҳанафий, Соймарий, Бофий Бухорий, Абу Ҳомид Исфароиний каби алломалар қўлида таҳсил олган. Ҳаёти ва фаолияти давомида тўплаган тажрибалари асосида сиёсий-ҳуқуқий илмлар (фикҳ) назариясига нафақат қимматли ҳисса қўшган, балки сиёсий фикҳ мактабига асос солган дейиш мумкин.

Тадқиқотда Мовардийнинг таржимаи ҳолига аниқлик киритилиб, у 86 йил умр кўрган (973–1058 йй.) деган хулосага келинган. Мовардий ўз ҳаёти давомида толиби илм, мударрис, “Байт ал-ҳикма” раиси, элчи, ҳисба муассасаси муҳтасиби (шариат аҳкомлари ижросини таъминлаш бўйича нозир), волий ал-қози (вилоят қозиси), волийи руасо ал-қози (6 минтақа қозилик раҳбари), шофеия мазҳаби раиси, “Аҳли-с-сунна ва-л-жамоа” мазҳаблари раиси, қози ал-қузоти (бош қози), ақзо ал-қузоти (олий қози), вазир ал-вузаро (бош вазир) мақомигача бўлган мансаб поғоналарини босиб ўтган. Зарур ҳолларда, хусусан, туркий Ғазнавийларга султонлик мақомининг берилишида ва Салжуқийларнинг Бағдодда амир ал-умаролик мансабига эришишида, Аббосийлар ва туркийлар ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилишида<sup>17</sup> элчилик девони раиси, давлат бошлиғининг хос маслаҳатчиси каби мансабларда фаолият олиб борган.

**Биринчи бобнинг учинчи бўлими** “Мовардий илмий меросининг ўрганилиши” деб номланиб, унда олим меросининг таркиби, уни ўрганишнинг дастлабки босқичлари, олим қаламига мансуб асарларнинг турли нашрлари ва таржималари хронологик тартибда ўрганилган. Улар 4 туркумга ажратиб таҳлил этилган.

**Диссертациянинг “ал-Аҳком ас-султонийя” асарининг манбашунослик тавсифи**” деб номланган иккинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлими – “ал-Аҳком ас-султонийя” қўлёзмаларининг ўзига хос хусусиятлари” – “ал-Аҳком ас-султонийя”нинг таркибий тузилиши, унинг манбалари таҳлили, тарихшунослик ва манбашунослик тадқиқига бағишланган. Мамлакатимиз ва чет эллар, жумладан, Кувайт, Россия, Миср, Ирландия ва

<sup>16</sup> Ибн Баттута. Саёхатнома (Тухфат ан-нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор). Масъул муҳаррир ва муқаддима муаллифи Н. Иброҳимов. – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б. 190.

<sup>17</sup> *يافعي : مرآت الجنان*. Ёфъий. Миръот ал-жинон. ЎзРФА ШИ 2005 қўлёзмаси, – варақ. 360. Аббосийлар давлатчилиги хронологияси. Аббосийлар вакили сифатида Мовардий, Ғазнавийлар томонидан Абу Райҳон Беруний ва Мовардийнинг устози Абу Ҳомид Исфароинийлар иштирок этганлар.

Туркиядаги араб ёзувидаги манбалар сақланадиган фондларда “Ал-Аҳком ас-султониййа” асарининг тўққизта қўлёзмаси мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қўлёзмалар, нодир қўлёзмалар ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондидаги Пв. № 63 ва ЎзР ФАШИдаги Р.№ 7228/1<sup>18</sup> қўлёзмалари мукамал ва қадимийдир.

Тадқиқот натижасига кўра, бу қўлёзмалар юртимизда XIV асргача мавжуд бўлгани, улардан бир неча марта нусхалар кўчирилгани аниқланди; Кувайтдаги 3 рақамсиз қўлёзма; Санкт-Петербургдаги № 6737 рақамли қўлёзма; Туркиядаги 3 та [№ 377; № 378; № 379] қўлёзма илк бор умумлаштирилиб, уларнинг кодикологик хусусиятлари, таркибий тузилиши ҳақидаги қиёсий маълумотлар баён этилди. Миср, Ироқ<sup>19</sup>, Ливан, Покистон, Малайзия, Туркия, Германия, Англия, Франция, АҚШ каби мамлакатларда амалга оширилган таржималар илмий-танқидий таҳлил этилди. “Ал-Аҳком ас-султониййа”нинг жаҳондаги энг муҳим қўлёзмалари илк бор қиёсий ўрганилиб, эришилган натижалар илмий муомалага киритилди. Жумладан, Тошкент қўлёзмалари бошқаларига нисбатан қадимийлиги, мукамаллиги билан ажралиб туриши аниқланди. Улардан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Пв. № 63 рақамли қўлёзма асосида “Ал-Аҳком ас-султониййа”нинг матншунослик жиҳатидан тўлдирилган вариантини яратиш мақсадга мувофиқ эканлиги асослантирилди.

**Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими** “ал-Аҳком ас-султониййа”нинг таркибий тузилиши таҳлиliga бағишланган. Асарнинг муқаддимасида муаллиф унинг яратилишига тўхталади. Асарнинг мазмун-моҳияти, ўрта асрларда давлат ва ҳуқуқ масаласи, давлатни ташкил этиш, бошқариш асослари, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар асардаги мавзулар бўйича батафсил тадқиқ этилади. Олимнинг таъкидлашича, “султоннинг амру фармонларига риоя этиш маҳаллий ҳокимлар/халифалар учун зарур...”. У мансабдор шахсни Аллоҳнинг розилигига муносиб ишларни амалга оширишга чорлайди. Бирор кишининг нафақат бир томчи қони, балки бир тола сочи ҳам тўкилмаслиги лозимлигига чақиради. Мукаррам этиб яратилган инсонни зулмдан асрашда сиёсий ҳокимият учун талашиш, қон тўкиш, фитна ишлар қилиш, ҳаддидан ошиш каби ишлар қораланиб, уларга сиёсий-ҳуқуқий тақиқлар қўйилади.

“Ал-Аҳком ас-султониййа”нинг мазмуни, таркиби ва тузилиши таҳлили муаллифнинг ўзи яшаган давргача яратилган давлатчиликка оид манбаларга жиддий эътибор қаратганини кўрсатади. У тарихий манба ва тажрибаларга таяниб, мусулмон Шарқи давлатчилиги асослари, бошлиқ ва маъмурларнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми, бошқарув тизими аҳкомлари ва мансаблар тизими, ҳуқуқий меъёрларининг мукамал мажмуасини яратади. Шунингдек, “ал-Аҳком ас-султониййа”дан салтанат бошқаруви амалда қонун чиқарувчи – имомат/салтанат *олий ҳокимияти*, ижро этувчи – вазорат/вазирлик *ижро ҳокимияти* ҳамда қози мазолим *суд маҳкамаларига* бўлингани аён бўлади. Унда давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий ҳокимият поғоналари, маъмурий ва ҳудудий муассасаларини ташкил этиш, давлат ва жамиятни идора қилиш услублари

<sup>18</sup> Собрание Восточных Рукописей (СВР). Т. VIII. – Ташкент, 1967. – С.217.

<sup>19</sup> الماوردى. الأحكام السلطانية و الولايات الدينية. بغداد. 1989، ص 3، الماوردى. أدب القاضي. ص. 56.

муфассал баён этилган. Жумладан, имом/султон – давлат бошлиғи, вазирлар, амир, қози, мазолим кабиларни танлаш ва тайинлаш шартлари ҳамда уруш эълон қилиш ва қилмаслик, сиёсий ҳаракат йўналишини белгилаш, қозилик ишини тартибга солиш, давлат муассасалари устидан мазолим бошқармаси назорати, уни кучайтириш, нақиблик муассасасини жорий этиш, асос солиш ва бошқарувини йўлга қўйиш, намозларга имом тайинлаш, оила ва никоҳ, мерос ва вақф хўжалиғи, молия ва иқтисод, закот, байт ал-молни бошқариш, солиқ тизимини назорат қилиш, ўлжаларни тақсимлаш, жизя ва хирож миқдорини белгилаш, шароити турли бўлган минтақаларни солиққа тортишнинг ҳуқуқий жиҳатларини аниқлаш, ер-сув муаммолари, қўриқ ерларни ўзлаштириш, яйлов ва иқто институтлари, тоғ-кон масалалари, ҳаж ишларини бошқариш, девонбеги фаолияти ва девонхоналарни ташкил этиш шартлари, жиноятга жазо белгилаш, унинг ижросини таъминлаш ва ниҳоят, мухтасиб девони фаолиятини такомиллаштиришга оид ҳуқуқий масалалар мазкур бўлимда муфассал ёритилган.

**Иккинчи бобнинг учинчи бўлими “Ал-Аҳком ас-султонийя”** асари манбалари таҳлиliga бағишланган. Унда амалиётда қўлланган ҳуқуқий таълимотлар, тарихда эришилган сиёсий тажриба ва кузатувлар, умуминсоний назариялар таҳлили асосида одил султон, халқпарвар давлат ва адолатли жамиятни шакллантириш, адолатли ва оқилона қонунларни яратиш, уларни билиш, ҳурмат қилиш, риоя қилиш, ҳаётга татбиқ этиш, жамиятни адолатли бошқариш масалаларига оид принципиал масалалар батафсил тадқиқ этилган. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, мусулмон Шарқи давлат бошқарувини шакллантиришдаги ижтиҳод усулларига оид асосий манбалар таснифланган.

Мовардий салтанат бошқарувидаги ақзо ал-қузотлик (замонавий тилда айтганда: адлия вазири) фаолияти давомида дунёвий ва диний муаммоларни ҳал этишда мансабдор сифатида эмас, балки ижодкор фақиҳ, онгли прагматик сиёсатчи сифатида Шарқ мусулмон давлати бошқаруви асослари қаторига биринчилардан бўлиб Қуръони каримда зикр этилган ал-аҳком ас-султонийяга оид оятларни; пайғамбарлар ва Расулulloҳ (с.а.в)ларнинг давлат бошқарувида оид ҳатти-ҳаракатлари, амалий ҳаётда тутган ўринлари, урф-одатлар, миллий удумлар (Суннат)га киритган ҳадислари; илк ислом – хулафои рошидинлар даври давлатчилигидаги сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар; умайий ва аббосийлар даври ислом ҳуқуқи ва давлатчилиги тажрибалари; мужтаҳид уламолар – Имоми Аъзам Абу Ҳанифа, Имом Шофеий, Қафқол Шоший, Абулхусайн Қудурий ва Имом Бухорий, Имом Абу Мансур Мотуридий Самарқандий каби буюк алломалар фикрига таяниб, мусулмон Шарқи давлат бошқаруви назариясини яратишда ижтиҳод этган ва буни сиёсий фикрға оид таълимот шаклида акс эттиришга интиланган.

**Иккинчи бобнинг тўртинчи бўлими “ал-Аҳком ас-султонийя”**нинг тарихшунослик ва манбашунослик тадқиқига бағишланган. Унда асарнинг ноёб қўлёзмаларини ўрганиш жараёнида муаллиф ва асар ҳақида “Аҳли-с-сунна ва-л-жамоа” уламолари томонидан ёзилган биобиблиографик манбалардаги тарқоқ маълумотлар умумлаштирилган. Мовардий “ал-Аҳком ас-султонийя” асарини аббосий халифа Қодир Биллоҳга топширгач, бош вазир лавозимига тайинланган.

Халифалар, туркий ва форсий амирлар, султонлар, хонлар ундан кўплаб нусхалар кўчиртирган, таржималар қилдирган. Улар ҳукмдорларнинг кутубхоналарида сақланган. Шу билан бир қаторда, ушбу китоб илмий доираларда ҳам катта эътибор қозонган. Давлат ва ҳуқуқ назариясига оид сиёсий-ҳуқуқий таълимот даражасига кўтарилган “ал-Аҳком ас-султониййа” асари мусулмон Шарқи давлатчилиги тарихини ўрганишда беназир илмий аҳамият касб этиб, соҳага оид манбалар ичида тутган юксак ўрни ва қиммати билан ажралиб туради.

**“Ал-Аҳком ас-султониййа” XI аср мусулмон Шарқи давлат бошқаруви тарихига оид муҳим манба**” деб номланган учинчи боб уч бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлими X–XI асрларгача яратилган давлат бошқарувига оид манбалар, “ал-Аҳком ас-султониййа”нинг мусулмон Шарқи давлат бошқаруви ҳуқуқи бўйича манба сифатидаги аҳамияти, унинг Шарқ мусулмон давлатчилигига оид асарларга таъсири тадқиқига бағишланган. Унда турли даврларда яратилган давлатчиликка оид асарлар қиёсий таҳлил қилиниб, Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”и, Абдуллоҳ Тоҳирийнинг “Ар-Расоил”и (“Мактублар”), Абу Наср Форобийнинг “Ал-Мадинат ал-фозила ва аҳли оройиҳи” асари (“Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари”), Собийнинг “Русум дар ал-хилафа”си (“Халифалик саройи маросимлари”) каби асарлар “ал-Аҳком ас-султониййа” учун назарий манба сифатида хизмат қилгани аниқланган.

**Учинчи бобнинг иккинчи бўлими** “ал-Аҳком ас-султониййа” мусулмон Шарқи давлат бошқаруви ҳуқуқи бўйича муҳим манба” деб аталади. “Ал-Аҳком ас-султониййа”да баён этилган салтанатни бошқариш таълимоти мусулмон Шарқининг бошқарувида ҳукмдор султон фаолиятига оид қоидалар, иш юритишни йўлга қўйиш, мансабдорлар иерархияси, ваколатлари, мажбуриятлари, салтанат тузиш тартиб-қоидалари, иш юритишга оид ҳуқуқлар ишончли далиллар, жумладан, оят ва ҳадислар билан асосланган. Мовардийга кўра, халқнинг мутлақ етакчиси бўлган давлат бошлиғи – “имом” (الإمام), халқпарвар давлат марказий ҳокимияти – “имомат” (الإمامة), салтанат халқи – “уммат” (الأمة) каби сиёсий-ҳуқуқий атамалар билан номланган. “Аҳком”га кўра, “имомат” – бу Шарқ мусулмон халқлари давлат бошқаруви марказий ҳокимиятининг мукамал намунасидир.

Мовардийга кўра, “имомат/хилофат” ўзига хос дунёвий ва диний қонун-қоидалар асосида ўрнатилган адолатли давлат бошқаруви бўлиб, у Шарқ мусулмон жамиятининг асосий устуни – марказий бошқарув ҳокимияти, “уммат” – Шарқ мусулмон салтанатининг сиёсий ҳуқуқларга эга эркин аҳолисидир. Мусулмон ҳуқуқшуноси сифатида Мовардий имомат<sup>20</sup> салтанат бошқаруви иерархиясини шакллантиришдаги асосий услублардан бири – муносиб султонни танлаш мақсадида ўзига хос сайлов институтини илк бора сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилган. Уни амалиётга татбиқ этган, мансабларга оид ҳуқуқий меъёрларни белгилаб берган. *Имом* – бу халқ ичидан саралаб, танлаб олинган сайлов ҳайъати танлови асосида давлат ҳокимияти тепасига келган атоқли шахс бўлиши шарт эканини таъкидлаган. Мовардийнинг фикрича, ҳукмдорнинг

<sup>20</sup> الأحكام السلطانية و الولايات الدينية: تأليف أبي الحسن علي بن محمد بن حبيب الماوردي. № 7228/1. – варак. 1.

қонунийлигига эришишнинг иккита усули бор. Биринчиси, давлатга муносиб раҳбарни донишманд кишилар йиғини орқали сайлаш. Иккинчиси, олдинги имом, яъни давлат бошлиғининг тайинланиши қонуний ёки ноқонунийлигини аниқлаш<sup>21</sup>.

“Ал-Аҳком ас-султониййа”да халқнинг атоқли намояндаларидан номзодлар сараланиб, улардан ибрат намуналарига эга энг афзал битта шахсни танлаб, давлат бошлиғи сифатида сайлаш тамойилининг сиёсий-ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилган. Унда султонга берилган сиёсий-ҳуқуқий ваколатлар ҳамда ҳатто султон ихтиёрига кўра, тириклик пайтида давлат бошлиғи лавозимига хавфсизликни таъминлаш мақсадида ўзига меросхўр валиаҳд – тахт ворисини тайинлаши, давлат раҳбари бўлиш навбатини белгилайдиган махсус сайлов ҳайъати кабиларнинг меъёрий ва ҳуқуқий асослари, қонун-қоидалари мустаҳкамлаб қўйилган<sup>22</sup>. Шунингдек, асарда “имом”, “имомат”, “уммат”, “ихтиёр” каби тушунчаларнинг моҳияти очиқ берилган. Вазирлик, қозилик ва мазолим каби салтанат муассасалари лавозимларига амалдорларни танлаш ва тайинлашда ҳукмдордан талаб этиладиган фазилатлар тавсифланган.

